



«ТИҚХММИ» МТУ



Мелиорацияда илмий изланишлар услублари



Асосий адабиётлар

1.Ritzema Н.Р. (Editor-in-Chief), 2006. Drainage Principles and Applications. Wageningen, Alterra, ILRI Publication no. 16, pp. 1125.

2.Хамидов М.Х., Солиев Б.К., Мухамедов А.К. “Мелиорация ва сугорма дәхқончиликда илмий тадқиқот ишлари”. Ўқув қўлланма. Тошкент, ТИМИ. 2008-176 бет.

3.Нурматов Ш.Н, Мирзажонов Қ.М. ва бошқалар. – “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари”. Услубий қўлланма. Тошкент 2007 йил, 147- бет.

4.Эргашев С., Бекмирзаев И., Назаркулов У. “Қурғоқчилик ҳудудларида сув ресурсларини минимал сарфлайдиган ирригация ва мелиорация ҳамда қишлоқ хўжалиги юритиш усуллари бўйича” ҚЎЛЛАНМА. Қўлланма БМТ Тараккиёт Дастури, Глобал Экологик Жамғарма ва Ўзбекистон Ҳукуматининг “Қорақалпоғистон ва Қизилқум чўлларининг таназзулга учраган ерларида экотизим барқарорлигини таъминлаш” лойиҳаси доирасида тайёрланган. Тошкент-2012 йил.

5.Isaev S.X. va boshqalar. “Melioratsiyada ilmiy izlanishlar uslublari”. O‘quv qo‘llanma. Toshkent., TIQXMMI. 2019-212 bet.



Қўшимча адабиётлар

6. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, Ўзбекистон, 2016.-56 б.

7. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлилий, қатъий таритиб- интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Тошкент, Ўзбекистон, 2017. -104 б.

8. Мирзиёев Ш.М. Қонун устиворлиги ва инсон манфатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фарповонлигини гарови. Тошкент, Ўзбекистон, 2017. -486.

9. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Т., Ўзбекистон, 2017. «Газета. Uz».

10. Суғориладиган шароитда дала ва лабораторияда паҳтачилик соҳасида ўтказиладиган тажрибалар методикаси. Услубий қўлланма. Тошкент, 1962 йил, 159-бет.

11.Рахимбоев Ф.М., Дарибоев Ю. Илмий тадқиқот асослари. Маъruzалар тўплами. Тошкент. 2001 йил.

12.Исабаев А. Илмий тадқиқот асослари. Услубий кўрсатма. Тошкент, ТИКХМИИ 2001йил.

13.Доспехов Б.А. “Методика полевого опыта”. Учебник. Изд-во 11. –М. Агропромиздат, 1979.

Интернет сайлари

14. www.gov.uz. - Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали.

15. www.lex.uz.-Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

16. www.Ziyo.net.

17. www.cawater-info.net.

18. rubricon.com.

19. oldbooks.ru.

20. cgiar.org.

21. sic.icwc-aral.uz.



Маъруза: Шўрланган ва эрозияга мойил тупроқларда илмий изланишлар ўтказишининг хусусиятлари. Шўр ювиш бўйича дала тажрибаларини ўтказиш услублари.



Режа:

1. Тажриба учун пайкал танлаш.
2. Вариантларни жойлаштириш.
3. Тажриба вариантылари ўлчами.
4. Кузатув ва ҳисоб-китоблар.
5. Сизоб сатҳи тартибини ўрганиш.
6. Тупроқ шўрланганлиги ва намлиги.
7. Фенологик кузатувлар.
8. Эрозияга учраган тупроқларда тадқиқотлар ва тажриба қўйиш.



Шўрланган ерлар бир-биридан тузланган ер ости сувлари сатҳи, сизоб юза ёки чукур жойлашганлиги, тупроқларнинг шўрланганлик даражаси бўйича ҳилма-хиллиги, коллектор-ийғма зовур шахобчasi мавжудлигига кўра фарқланади. Шубоис бундай ерларда дала тажрибалари ўтказиш услугуга қатъий риоя қилиниши талаб этилади.

Шўрланган ерларда ўтказиладиган дала тажрибаларидан қиёсий натижалар олишга эришиш учун барча вариантлар дастлабки шўрланиш бўйича бир-бирига яқин, бир хил захоб сатҳи ва шўрланганлиги, коллектор-зовур ва сугориш тармоқларининг бир хил таъсир доирасида бўлиши зарур.





Тажриба учун пайкал танлаш албатта, кузда (сентябрь-октябрь ойларида) амалга оширилади, чунки зироатлар ҳолати (агар тажрибалар ўзлаштирилган ерларда қўйилаётган бўлса) ёки табиий ўсимликлар таркиби ва ҳолати бўйича (агар тажриба янги ўзлаштирилган ерларда ўтказилиши мўлжалланса) тупроқ шўрланиш даражаси ва бир текислиги тўғрисида хулоса-таҳлиллар асос қилиб олиниши керак.

Агротехник тажрибаларга барча вариантлар бўйича тузлар таркиби бир хил бўлган ер танланиб, кузда бу жойда ўсимликлар ҳолати ва шўрланиш доғлари бўйича шўрланиш хаританомаси тузилиши зарур.

Харита нома асосида тупроқ ва сизот намуналари олинади, турли даражадаги шўрланиш аниқланади ва ўсимликлар ҳолатига қараб шўр ювиш меъёрлари белгиланади. Бу пайкалдаги тупроқ шўрланганлиги тахминан бирдек бўлишига имкон беради.

Кузда тажриба даласида захоб сатхини ўлчаш қудуқлари ва сув сарфини ўлчаш учун ўлчагичлар ўрнатилади.





Вариантларни шундай жойлаштириши керакки, йиғма-зовур-колектор- зовур ва сув тармокларининг уларга таъсири баравар ва барчасида ер ости суви-сизоб сатҳи тахминан бирдек бўлсин.

Тажриба даласи зовур ёки коллетор билан чекланган ва бу зовур ёки коллектордан маълум масофада параллел ариқ ўтган бўлса, у холда вариантлар учун томони билан перпендикуляр йўналишда жойлаштирилиши ва вариантлар боши-охирининг зовур ёки ариқдан узоқлиги ёзиб қўйилиши ҳамда уларга доимий қозиклар қоқилган бўлиши лозим.



Тажриба вариантлари ўлчами үрганилаётган омилларга боғлиқ.

Тажриба дастури бўйича амал ва ноамал даврларида суғориш тартиби барча вариантларда бир хил бўлса, вариантлар ўлчами худди сизот сатҳи чуқур, шўрланмаган тупроқлардагидек бўлади.

Суғориш тартиби, шўр ювиш муддати ва меъёрлари үрганиладиган тажрибаларда ҳар бир вариантига берилган сув тажриба пайкалида сизоб сатҳини кўтаради. Шунинг учун шўр ювиш муддатлари учун 0,5 га, суғориш тартиби ва шўр ювиш меъёри үрганиладиган вариантлар майдони 0,25 га бўлиши керак. Вариантнинг ҳисобли қисим марказий қисмининг 0,1 га майдонидан кам бўлмаслиги зарур.

Тажриба вариантлари такрорланиши 4 марта.

Сизоб сатҳи чуқурроқ (2-3м) бўлганда вариант майдони 0,1 гача камайтирилиши мумкин. Шўрланиш ҳар хи бўлганда тажриба вариантлари такрорланиши 6 ва 8 марта ташкил этади, баъзи ҳолларда жуфтланган назорат варианталри киритилади.





Кузатув ва ҳисоб-китоблар тажрибада дастур асосида қўйилган вазифаларга боғлиқ ҳолда бўлиши керак. Аммо шўрланган ерларда ўтказилиши шарт бўлган дала тажрибаларида қандай мелиоратив фонда ўтказилишидан катъий назар тадқиқотлар таркиби аниқ, улар шунингдек, ўрганилаётган омилларнинг ерлар мелиоратив ҳолати ва зироатлар ҳосилдорлигига таъсирини белгилаш имконини беради.

Шўрланган ерларда шўр ювиш ва сугоришга кетган сув сарфи ҳисобланиши шарт. Шўр ювиш, шудгорлаш муддатлари, чукурлиги, ва технологияси, қатор ораларига ишлов бериш унумдорлиги турлича бўлган фондларни хайдаш, шунингдек, ўғитларнинг турли меъёрлари билан ўтказиладиган тажрибаларда сув ҳисоби вариантлар бўйича алоҳида олиб борилади.

Тажриба пайкалини тавсифлаш учун тупроқ типи кўрсатилади, аэрация қатлами, механик ва микроагрегат таркиби, чекланган дала нам сиғими, захоб юза ва чукур бўлганда, тупроқнинг ҳажм ва солишиштирма оғирлиги, сув ўтказувчанлиги ва ғоваклиги аниқланади.

Тажриба ўтказиш дастурларига захоб сатҳи, тупроқнинг шўрланиш тартиби ва намлигини кузатиш кабилар киритилиши шарт. Кузатишлар ҳажми қўйилган вазифаларга боғлиқдир.



Сизоб сатҳи тартибини ўрганиши бўйича кузатишлар сизоб энг чуқур бўлганидан яна 1 м чуқурроқ кавланган кузатув қудуклари орқали амалга оширилади.

Агротехник тажрибаларда унинг марказига ўрнатилган 1 та кузатув қудуғи бўйича суғориш даврида ҳар 5; суғорилмайдиган даврда ҳар 10 кунда захоб сатҳи ўлчаниши лозим.

Шўр ювиш ва амал даври суғоришлари тартибини ўрганишда захоб сатҳи контраст вариантларида ўлчангани маъқул. Кузатишлар суғоришдан аввал, сувдан кейин 10 кун давомида ҳар куни, сув қуиши тугаганда сўнгра ҳар 5 кунда, суғорилмайдиган даврда ҳар 10 кунда олиб борилади. Намлик учун тупроқ намуналари олиниб, берилган сув меъёрлари тупроқ қатламининг қайси горизонтигача намиқтиргани кузатилади.

Мелиорация йўналишида ўтказилган тажрибаларда сизоб сатҳидан тупроқ капиллярларидан намликнинг кўтарилиши баландлиги аниқланиши зарур.



Тупроқ шүрланганлиги ва намлиги доимий белгилаб қўйилган нуқталар бўйича аниқланади, нуқталар жойлашиши тархи (план) га туширилади. Тупроқ намуналари ҳар гал аввалгисидан 1-2 м. узоқликда олиниши керак, бурғуланган чуқур атрофидаги ўсимликлар бир хил ривожланган бўлгани маъқул. Кудуқни бир гал маромида ривожланган ўсимликлар орасида, бошқасида очор ривожланганлари орасида жойлаштириш ножоиз.

Намуналар ҳар вариантда 3 та нуқтадан олинади. Тупроқ шўрланиши зироатлар ўсиши, ривожланиш ва ҳосил билан боғланиши белгилаш мақсадида шундай қилинади. Янги ўзлаштирилган, шўрланиши турлича бўлган ерларда намуналар олиш такрорланиши ҳар вариантда 5 мартадан бўлиши керак.

Ҳар бир намуна олинадиган нуқтага қоқилган қозикларга қўйилиб, бу дала тажрибаси тизимининг схематик режаси белгиланади ва тажриба охиригача сақланиши зарур.

Шўрланиш хилма-хиллиги мавжуд бўлганда ўсимликлар ривожланиши ҳар фон (маромида, кам шўрланган, ўртacha ҳамда кучли шўрланган майдончалардаги таъсир ўрганилади) назоратида алоҳида қудук билан белгиланади.



Тупроқ намунали ғұза ва чопиқталаб бошқа зироатлар әгати ичидан олинади. Турли суғориш усуллари (әгатлатиб ва ёмғирлатиб) қиёсланаётганда шүрланиш ва намлик учун тупроқ намуналари ҳам пуштадан, ҳам әгатдан олинади, чунки намликтин турлича тақсимланиши шүрланиш пуштадан ва әгат орасида ҳар хил бўлишига олиб келади.

Механик таркиби бир хил бўлганда ёки чуқурлашган сари секинаста ўзгариб борганда намуналар 10 см. дан 40 см. чуқурликкача, сўнgra ҳар 20 см. дан, тупроқ кескин қатламли бўлганда ҳар 10 см. дан олинади. Икки ҳолатда ҳам тупроқ захоб сатҳигача олинади.

Бурғуланиб олинган тупроқ стаканда қоғоз устига туширилиб, унга тажриба номи, вариант, такрорланиш, нуқта, рақами, қатлами чуқурлиги ва сана ёзилган ёрлик солинади, намуна қоғозга ўралиб, устига ҳам ёрлиқдаги ёзувлар оддий қора қалам билан ёзилади.

Тупроқнинг пастки қатламларидан олинган намуналар намлиги юқори бўлганлиги учун қудук ёнида бироз нами қочгунча қолдирилиб, сўнgra ўраб қўйилади.



Шўрланиш даражаси бир хил бўлган ва шўрсизлантирилган фонларда жойлашган агротехник тажрибаларда намуналар ниҳоллар кўринганда баҳорда ва кузда (апрель ва октябрь) олинади. Шўрланиш бир текис бўлмагандага унинг даражаси аниқланади ва шўрланишнинг ўсимликларга таъсири кўзга ташланганда, яъни биринчи сувдан олдин ҳам намуналар олинади.

Туз таркиби ва намлик:

-шўр ювиш бўйича тажрибаларда ҳар бир шўр ювишдан аввал ва кейин, ниҳоллар кўринганда, биринчи амал сувидан олдин ва охириги сувдан кейин ва кузда;

-турли муддатларда шўр ювиладиган тажрибаларда барча варианtlарда бир вақтда;

-суғоришнинг тупроқ, сув ва тузланиш тартибига таъсири ўрганиладиган тажрибаларда ниҳоллар кўринган, ҳар бир амал сувидан аввал сўнгра ва амал даври охира аниқланади.

Намуналар баҳорда биринчи сувдан аввал охириги сувдан кейин, кузда захоб сатҳигача, бошқа муддатларда 100 см. чуқурликкача олинади.



Тупроқ ва захобнинг баҳор ва кузда олинган намуналарида тупроқ эритмаси тўлиқ таҳлил қилинади. Мелиоратив тажрибаларда ҳам тўлиқ таҳлил амалга оширилади.

Тупроқ намуналари учун бурғуланган қудуқчалардан захоб намунаси олинади, сув олиш қийин бўлганда қудуқка қувур туширилиб, намуна олинади.

Захоб шўрланганлиги шўр ювиш ўрганиладиган тажрибаларда ювишдан аввал ва кейин, суғоришининг мелиоратив аҳамияти ўрганиладиган тажрибада амал сувигача ва ундан кейин аниқланади. Бунда куруқ қолдик HCO_3 , CL , SO_4 , Mg , Ca , ва Na , K алангали фотометрда таҳлил қилинади, шўр ювишларда нитратлар ва ҳаракатчан фосфор миқдори аниқланади.

Суғоришда турли даражада шўрланган сув ишлатилганда унинг таркибида куруқ қолдик, HCO_3 , CL , SO_4 , Mg , Ca , ва Na , K алангали фотометрда, нитратлар, ҳаракатчан фосфор ҳар сувда ёки шўр ювишда таҳлил этилади.

Шўр ювиш бўйича, шунингдек, ўзлаштирувчи зироатларнинг мелиорациялаштирувчилиги ва амал даври сувлари ўрганилаётган дарё сувининг шўрланганлиги таҳлил этилади.



Фенологик кузатувларни тупроқ шўрланиши билан боғлаш зарур. Шунинг учун тупроқ намуналари олинадиган қудуқчаларга яқин жойда кузатув майдончалари бўлиши керак.

Шўрланиш ҳар хил, ғўза сийрак бўлган ҳолларда кузатув майдончалари фондаги ўсимликлар ҳолатини тўлиқ тавсифлай олиши зарур (маромида ўсан, ғўзага шўрланиш 0,3 ўртacha ва кучли таъсир қилган).

Фондаги кузатув майдончалари сони вариантдаги ҳар шўрланиш фони майдони мутаносиб бўлиши керак. Масалан, агар маромида ўсан ғўза ҳамма майдоннинг 60 % ини ташкил этса, унда 10 та майдондан 6 таси маромида ўсан ғўза фондида, 3 таси шўрланиш кучсиз ва 1 таси кучли таъсир қилган фонда жойлаштирилади. Бунда шўрланиш бўйича ҳар бир фон алоҳида намуна олиш нуқтасига эга бўлиши керак.

Ҳосил йиғими ҳар бир фон бўйича $20-50 \text{ м}^2$ ли майдончаларда бошланиб, сўнг вариантнинг жами ҳисобли майдонига ўтилади. Бунда ўсимликсиз майдончалар ҳисобдан чиқарилади.

Мелиоратив тажрибаларда етиштирилган ўсимликларда тузлар таркиби ва чигит сифати, донли ва ем-хашак зироатлари маҳсулоти сифати аниқланади.



Эрозияга учраган тупроқларда тадқиқотлар ва тажриба қўйиш дастурига қуйидагилар киритилиши зарур:

Уибу масала бўйича адабий манбаларни тўплаш ва таҳлил этиш. Шамол эрозияси етказган зарар ва унга қарши кураш тажрибаси тўғрисида маълумотларни тўплаб, бундай эрозия сабаблари ва зарари (мисол тариқасида тўлдирилган анкета намунаси қўйида келтирилмоқда) белгиланади. Натижада алоҳида ҳўжаликлар, туманлар ва вилоятлар бўйича эрозия манбалари аниқланади.



Шамол эрозиясини текшириш бўйича АНКЭТА

1. Филиаллар, Давлат суғурта хизмати, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, Республика қишлоқ хўжалиги, сув хўжалтиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси ер русурслари, геодезия, картография ва давлат кадастири қўмитасининг ер ресурслари ҳақидаги маълумотлари жалб этилади.

Шамол эрозиясининг юзага келиши шароитларини Фарғона вилояти Данғара туманидаги А.Навоий номли хўжалик мисолида ўрганамиз.

2. Энг яқин метеостансия - «Қўқон»

3. Экинлар умумий майдони 4290 га, шундан ғўза-3300, маккажўҳори-500, беда-430, сабзавотлар, полиз экинлари-60 га.

Шамолдан 1436 га ердаги экинлар, шу жумладан, 35 га ердаги маккажўҳори, ва 6 га ердаги лавлаги, 1395 га ердаги ғўза нобуд бўлади.



4. Жами заарлар-517,6 минг сўм (1960 йилги кўрсаткичлар), Давлат суғуртаси ҳисобига 517,6 минг сўм қопланади.

5. «Кўкон» метеостансијасининг экинлари нобуд қилган шамоллар хақидаги маълумотлари: шамол 4.04. да 16-20 м/с тезлик билан жанубий-ғарб томондан эсди, давомийлиги 12 соат; 6-9.04да 16 м/с тезлик билан, 50 соат. давомида; 17.04 да 16-18 м/с тезлик билан 6 соат. давомида; 22.04 да 14-18 м/с тезлик билан 14 соат давомида эсди. Ҳавода аёз кузатилди; 18.04 да энг паст ҳарорат, 1,2 $^{\circ}\text{C}$; 19.04 да эса ҳарорат-2,3 $^{\circ}\text{C}$ совуқ, шамол 23,04 да 16-20 м/с тезлик билан эсди, айрим пайтда 28 м/с га этди. Шу муддатда ҳаво ҳароратининг энг пастки 12 $^{\circ}\text{C}$, энг юқориси 27 $^{\circ}\text{C}$ (27.5) бўлди.

6. Хўжалик 3 бўлимдан иборат. Шамол эрозиясидан 2 ва 3-бўлимларининг шимолий қисми энг кўп заарланди. Шамолдан заар кўрган кўпгина пайкаллар эрозияга қарши тадбирлар қўлланилмаган, янги ўзлаштирилган ерлардир.

7. Заарланишлар қуйидагича намоён бўлди: чигит ва бошқа уруғлар ҳамда ниҳолларни тупроқ билан учирив кетиш, кўринган ниҳолларниң эол ётқизиқлар билан кўмилиш, ўсимлик барглирини қум билан узиб, тешиб кетиш.



8. Дефлясия жараёнларининг юзага келиш ва келмаслик сабабларини аниқлаш (ихота ўрмонларини кўрсатиш, улар конструкция, дарахтлар тури, хўжаликда қўлланиладиган агротехник ва бошқа тадбирлар).

9. Шамол эрозиясидан заар зараб кўрган ва бузиб экилган пайкалларда ғўза ва бошқа зироатлар бўйича фенологик кузатувлар ўtkазилади. Солишириш мақсадида бузиб экилмаган (эрозиядан заарланмаган) даладан худди қайта экилган дала шароитидаги каби пайкал танлаб олинади ва бир хил кузатувлар юритилади. Бу икки нуқта қозиқлар билан белгиланиб, зироатлар ҳосили ҳисобланади.

10. Белгиланган нуқталарда тупроқ кесмалари ковланиб, генетик қатламлардан тупроқ намуналари кимёвий таҳлил ва физикавий хоссаларни аниқлаш учун олинади.



11.Шамол таъсирида ҳосил бўлган чуқурчалар чуқурлиги ва «уюлмалар» (келтирмалар) баландлиги ўлчанади. «Уюлмалар»дан тупроқнинг механик, минерологик ва кимёвий таркиблари тахлили учун намуналар олинади.

12.Зарари кучли шамолларга нисбатан эгатлар йўналиши аниқланади.

13.Тупроқ хоссалари аниқланади. Барча қишлоқ хўжалик мутахассислари сўрови ўтказилади ва ҳамма тажриба стансиялари, суғурта ташкилотлари, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотлари жамланади ва ушбулар аниқланади:



- а) шамол тезлигининг тупроқ (кум)ни учирин ва күчириш жараёнлари юзага келиши ва ривожланишига таъсири, тавсифи, дефлясия (шамол эрозияси) жараёнини юзага келтирувчи кучли шамоллар бош йўналиши, эрозиянинг бошланиш вақти, кучли шамоллар бош йўналиши, эрозиянинг бошланиш вақти, кучли чангтўзон бўрони бўлган кунларнинг ойлик ва йиллик сони, республика ёки вилоятларнинг айрим ҳудудларида чангтўзон бўронларини юзага келтирувчи шамолларнинг тақсимланиш қонунлари (бу ерда асосан муайян ҳудудни тавсифловчи метеостанция маълумотлари умумлаштиради);
- б) дала қиялигининг турли элементларида ва турли нишаблик кўрсатгичларида эрозиянинг ривожланиши;
- в) тупроқнинг механик ва микроагрегат таркиби, тупроқ юза қатламигининг тахланиши, гумус ва турли тузлар таркиби, шўрланиш сифати, намлиги, ўсимликларнинг тупроқдаги турли қолдиқлари, тупроқ юза қопламасининг шамол эрозиясидан асралишига таъсири;
- г) заарланиш микдори ва кўриниш (тупроқни, ўсимликни кесиб, учирив кетиш, күчириш, учирив келиши, яхлит, қисман, мажмуий учирив кетиш.



Олинган барча далиллар харитага туширилади. Лаборатория тадқиқот-лари учун аэродинамик қурилма, даладаги кузатувларга табиий шамолдан ташқари дала аэродинамик қурилмаси («ПАУ-2 ёки ПАУ-3») зарур. Ушбу изланишлар натижасида шамол эрозиясининг юзага келиш қонуниятлари ва эрозияга қарши моделдаги тадбирлар ишлаб чиқилади.



Дефлясия күринишларини хисобга олиш учун Россия дон ҳўжалиги институти ёки В.Б.Гуссак ва К.М.Мирзажонов томонидан ишлаб чиқилган чанг-қум тутгичлардан фойдаланиш мумкин.

- Дефляция кўрсаткичларини (маҳсулотини) қурилма устуни 0; 15; 30; 50; 75; 100; 150; ва 200 см. баландликда ўрнатилади, «0» дан ташқари ҳамма кўрсатилган баландликларда қўл анемометри билан шамол тезлиги ўлчанади.
- Чанг тутгичлар ўрнатилгандан кейин «чанг» тўплангунча шу оралиқ вактда жадал шамол эрозияси вақти аниқланади. Дефляция маҳсулоти техник тарозида тортилиб, ундаги гумус, азот, фосфор, калий, микроэлементлар ва сувда эрувчан заарли тузлар таркибини аниқлаш учун топширилади.



- Шамол эрозиясига учраган тупроқлар унундорлигиде содир бўладиган ўзгаришларни аниқлаш учун турли агрофонлар генетик қатламларидан тупроқ намуналари олиш ва уларни таҳлил қилиш услуги кўлланилади, намуналар доимий белгилаб қўйилган майдончалардан олинади. Ҳайдов ва ҳайдов ости қатламидаги тупроқлардан механик ва микроагрегат таркиби, шунингдек, гумус, азот, фосфор, калий, уларнинг ялпи ва ҳаракатчан шакллари аниқланади (бу таҳлиллар ҳар бир кучли шамолдан кейин ва амал даври охирида бажарилади); қайд этилган кўрсаткичлар 2-3 йил, баъзан 3-6 йилдан кейин тупроқнинг даслабки ҳолати ва шамол эрозиясидан заарар кўрмаган тупроқ билан қиёсланади. Тажриба даласида ҳар бир шамолдан кейин емирилиш манбалари аниқланади, дефлясия ўчоқлари ҳисоблаб чиқилади, уларнинг чуқурлиги ва кенглиги ўлчанади. Агар имкони бўлса, шамолдан сўнг тажриба даласи харитаси тузилади, унга дефлясия «яра»лари, зироатларнинг даражаси туширилади (заарланмаган, кучиз, ўртacha, кучли заарланган ва нобуд бўлган). Ҳарита 1:100 ёки 1:1000 масштабда тузилади.



- Эрозияланганлик даражалари қүйидагида аникланади:
 1. эрозияланмаган-емирилиш чуқурлиги «0»;
 2. кучсиз эрозияланган-емирилиш чуқурлиги-0,5-5 см;
 3. ўртача эрозияланган-емирилиш чуқурлиги-5-10 см;
 4. кучли эрозияланган эмирилиш чуқурлиги-11-15 см;
 5. жуда кучли эрозияланган-емирилиш чуқурлиги-15 см.дан ортиқроқ.

Ётқизиқлар аккумулясияси бўйича X.Беннет таснифи
кабул қилинади (эол ётқизиқлар олиб келиниши даражаси ва
ётқизиқ қалинлиги): юза-0-15; ўртача бир текис –15-30 см;
ўртача тепасимон –5-30 см, чуқур –30-90 см, тепалик (кичик)
– 90-180 см, тепалик (катта) –180 см. ва ундан кўпроқ.



- Ғұзанинг заарланиши бүйича ушбу күрсаткичлар қабул қилинган (4-5 чинг барлық палласи):
 - а) заарланмаган үсимлик;
 - б) уруғбарг даврида 1 та уруғбаргни йўқотиш - нобуд бўлган үсимлик;
 - в) кучсиз заарланган үсимлик, 1-1,5 барги қуриган,;
 - г) ўртача заарланган - 1,5-3 та барги қуриган;
 - д) кучли заарланган - 3-5 барги қуриган, аммо ғўза нобуд бўлмаган;
 - э) нобуд бўлган ғўза - кучли парвариш қилинганда ҳам яшай олмайди.



Иҳота ўрмонлари.

Мавжуд ихота ўрмонлари бўйича кузатувлар (2, 3, 4, 5, 6, 7 ва 24 қаторли дaraohтзорларда) олиб борилади. Бунда дaraohтларнинг оралиғи ва улардан ҳар бирининг баландлиги ўлчанади, шунингдек, ёши аниқланади. Ўрмон ичида ҳар бир дaraohт бўйича шундай кузатувлар ўtkазилади. Иҳота ўрмондан 25, 50, 100, 150 баъзида (даerahт қаторлари орасидаги масофага қараб) 200 м. да сизот сатҳигача (гидроморф тупроқларда), автоморф тупроқларда 150-200 см. чуқурликда чуқур ковланиб, унинг кесмасида генетик горизонтлар бўйича морфологик тузилиши таърифи ёзилади ва ҳар бир генетик қаватдан алоҳида тупроқ намуналари олиниб, улардаги механик ва агрегат таркиби, гумус, азот, фосфор ва калийнинг ялпи ва ҳаракатчан шакллари таҳлил этилади, шунингдек, тупроқдаги туз таркиби ҳам аниқланади.

Кучли шамоллар эсаётган пайтда очиқ жойда (иҳота ўрмонларсиз), иҳота дaraohтзорлари ичида, чуқурлар қазилган нуқталарда, ер юзасидан 15, 30, 75, 100, 150, 200 см баландликларда кўл анемометри ёрдамида шамол тезлиги ўлчанади ва дефляция маҳсулотлари тутилади; шу нуқталарда ҳар 10 см дан 150 см чуқурликка тупроқ намлиги аниқланади; шу масофаларда ғўзанинг шамолдан заарланиш даражаси аниқланади; фенологик кузатувлар ва пахта ҳосилини ҳисоблаш ишлари бажарилади.



Қулисли әқинлар әкилиб, ҳимоя қаторлари ташкил этиш.

Бу максадда баланд пояли зироатлар (кузги бүгдой, жавдар, маккажүхори, оқ жүхори ва б.к.) ғұза даларида бир –биридан 20-25 м. узоқликда әкилади. Кейинги эса (60 см. әгат оралиғида әкилса) бир сеялка үтадиган қамровда (2,2 м) бўлади. Кулис қаторлари доимий, кучли әсувчи шамоллар йўналишига кўндаланг барпо этилади.

Кулисли әқинлар әкилиб, қаторлари орасидаги ғұза ва тупроқни кузатиш худди ихота дараҳтзорларидаги каби, ўтказилади. Бунда факт масофа яқинроқ –5, 10, 15, 20 ва 25 м. бўлади. Тупроқ намуналари далада конверт шаклида кавланган 5 та чукурдан олиниб, таҳлил қилинади. Ҳар бир кулислар аро пайкалдаги пахта ҳосили алоҳида-алоҳида ҳисобга олинади ҳар қатор кулис учун әкилган бошқа әқинлар ҳосили, пояси, сомони ҳам алоҳида йиғилади ва ҳисобланади.



Тупроқни ҳимояловчи алмашлаб экишлар.

Эрозияга қарши қўлланиладиган чоралардан алмашлаб экишни тўғри жойлаштириш жуда муҳим аҳамиятга эга. Мақсадга эришиш учун алмашинадиган экинни тўғри жойлаштириш ҳам алоҳида роль ўйнайди.

Шамол таъсири фаол бўлган худудларда бажариладиган муҳим дала тажрибаларида алмашлаб экишга агроиктисодий ва иқтисодий баҳо бериш билан бирга, алмашланган экинларнинг тупроқни ҳимоялашдаги таъсири ҳам тадқиқ этилиши зарур.

Асосий алмашлаб экиш зироати-беда бўйича кузатишлар ушбу китобда келтирилган услубда амалга оширилади. Тупроқ устида, шамол тартиби, тупроқ намлиги ва шамол эрозиясининг салбий оқибатлари бўйича тадқиқотлар «Иҳота ўрмонлари», «Кулисли ҳимоя қаторлари» номли услугбиятнинг бўлимлари асосида ўтказилади.



Кимёвий тадбирлар.

Сўнги йилларда тупроқ тўзиши ва ўсимликлар заарланишига қарши юқори молекулали кимёвий препаратлар қўлланилмоқда. Тажрибаларда бундай препаратлар уларни қўллаш қоидаларига кўра, «ОВТ-1» пуркагичи билан сепилади. Тажриба қўйишдан аввал тажриба даласида 3-4 та чуқур кавланиб, генетик қаватлар бўйича марфологик тавсифланади. Генетик қаватлардан олинган тупроқ намуналарида механик ва макро агрегат таркиби, гумус, азот, фосфор, калийнинг ялпи ва ҳаракатчан шакллари таҳлил қилинади. Тажриба бошланишдан олдин¹ туроқдаги туз таркиби 3, 6, 9, 12, 15 ва 18-кунлари, кейин 1-суғоришгача қадар ҳам 10 кунда 1,5 м. чуқурликкача тупроқ намлиги аниқланади. Шу кунлари тупроқнинг 0-1, 1-2, 2-3, 3-5, 5-10, 10-20, 20-30 см. чуқурликларидан олинган намуналарида унинг макроструктураси таҳлил қилинади, ҳаво ва тупроқ ҳарорати ўлчанади. Тупроқ ҳарорати 0-5 ва 5- 10 см. чуқурликда соат 9, 14 ва 21 да ўлчанади. Ҳар 2 кун оралатиб, 90 % ниҳоллар пайдо бўлгунча кўчатлар сони ҳисобланади. 0, 15, 30, 50 ва 75 см. баландликда «чанг» тутилади, 15 см. баланликда шамол тезлиги аниқланади. Санаб ўтилган барча кузатувлар ва тадқиқотлар, ҳамма вариантлар бўйича 2-3 такрорланишда бажарилади. Ҳар галги кучли шамолдан кейин ғўзанинг заарланганлик даражаси қайд этилган тасниф бўйича аниқланади. Фенологик кузатувлар барча вариантлар бўйича 2 такрорланишда умумқабул қилинган услуб бўйича ўтказилади, ҳосил вариантлар бўйича ёппасига терилади ва ҳисобланади (7.2-чиизма).



Аэродинамик қурилмада тадқиқотлар юритиш услуги.

Тупроқнинг шамол туфайли эрозияланиши физик жараёндир. Шамол эрозияси бевосита тупроқ юзасида содир бўлади. Бунда заррачаларнинг ҳаводаги учиши улар ердан ажралиб, ер юзасида маълум вақт юмалашидан сўнг бошланади. Заррача тупроқдан ажралиб, юмалаганидан сўнг уни ҳаво оқими қамраб олиб, емирилиши манбасидан узоққа олиб кетади. У шу тариқа шамол тезлиги пасайган, осойишта жойга ташланади. Сокинлик ҳолатида турган заррачани ҳаракатга келтириш учун, ҳаракатдаги заррача ҳаракатини янада тезлатишга нисбатан катта куч сарфланиши зарур.

**Тажриба 3-4 такрорланишда ўтказилади.

Демак, доимий тезликдаги шамолда заррачалар учун шундай шароит яратиш керакки, улар сокинлик ҳолатида қолишин, агар ҳаракатга келтирилган бўлишса, у ҳолда улар тезлигини энг паст даражагача камайтириш керак.

Шуларга асосланиб, шундай омилларни ўрганиш зарурки, улар асосан тупроқнинг шамолга бардошлигини белгиласин. Бу омиллар тупроқ типи, типчаси, хили, уларнинг ишлаш жараёни, ғадир-будирлиги, эрозияга қарши қўлланилаётган тадбирлар, шамол тезлиги, шунингдек, уларнинг ўзаро алоқалари таъсирида энг кўп даражада ўзгаради.



Эрозияланган тупроқларда ўгитларни күллаш масалаларини ўрганиш учун дастлаб тегишли тупроқнинг эрозияланганлик даражаси аникланади.

Тажрибалар эрозияланмаган, ўртача ва кучли эрозияланган тупроқларда ягона тизимда ўтказилади. Бошқа кузатишлар ва тадқиқотлар ҳам худди оддий шароитда ўтказилган тажрибадагига ўхшаш тарзда олиб борилади.



Ирригация эрозияси.

Эрозияланган ва эрозияланишга мойил тупроқларда маъдан ўғитлар устида қўйиладиган ва ўтказиладиган тажрибаларда тупроқнинг эрозияланиш билан боғлик бўлган қатор хусусий хоссаларини ҳисобга олиш зарур. Зироатларни суғориш натижасида ирригация эрозияси юзага келадиган қиялик ерлардаги тупроқларда қўлланиладиган ўғитлар самарадорлиги ва дала тажрибалари натижалари ишончлигига, шунингдек, ҳосил шаклланишига таъсир этувчи омиллар мавжуд.

Шундай омиллар сифатида қуидагиларни кўрсатиш мумкин: қиялик тиклиги, тупроқнинг суғоришда ювилиши, суғориш эгатида рўй берадиган сув ўйиб кетиш ҳоллари, озиқа моддаларининг турлича тақсимланиши, улардан бир қисми ва ўғитлар ирригация эрозияси туфайли тупроқдан олиб чиқиб кетилиши.

Ирригация эрозиясига учраган тупроқларда қиялик ҳолатига, уларнинг тиклиги ва экспозициясига қараб, иссиқлик тартиби, амал даври давомийлиги, эгатдаги сув тезлиги ва қиялик бўлаклари бўйича озиқа унсурлари таркиби ва б.к. текис рельфли ерлардагига нисбатан ўзгаради.



Мавзу бўйича саволлар

Эрозия нима ва унинг қандай турлари мавжуд ?

Антрапоген (жадаллашган) эрозия нима дегани ?

Зооген (яйлов) эрозия нима?

Шамол эрозияси (дефляция) нима?

Сув эрозияси нима? Сув эрозиясининг турлари нималардан иборат?

Тик, чуқур, ирригация ва томчили эрозиялар нима ?

Чизиқли, текислик, ер ости эрозиялари нима?

Тупроқ эрозияси ва унинг қандай турлари мавжуд?

Кишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларни эрозиядан химоялашда нечта йўл қўлланилади?

Дехқончиликда тупроқни химоя қилиш тизимига қандай тадбирлар киради?

Қандай тадбирлар тупроқни сув ва шамол эрозиясидан химоялашга ва қандай тадбирлар тупроқни фақат сув эрозиясидан химоялашга қаратилган бўлади?

Эрозияга қарши ташкилий-хўжалик тадбирларга нималар киради?

Эрозияга қарши агротехник тадбирларга нималар киради?

Эрозияга қарши ўрмон мелиоратив тадбирларга нималар киради?

Эрозияга қарши гидротехник тадбирларга нималар киради?



«ТИҚХММИ» МТУ



**ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН
РАҲМАТ !**